"Тасдиқлайман"
«Ўзавиация» Агентлиги директори в.б.

_____________ Т.Э. Улжаев
"29" 05 2020 йил

# ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ РЕГЛАМЕНТИ
## («Ўзавиация» Агентлиги)

### 1. Хизматларнинг тавсифлари (паспорт)

### 1.1. Хизматларнинг номланиши

| |
|---|
| Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш |

### 1.2.Хизматлар натижалари

| |
|---|
| Аэродромларга сертификатлар бериш |

| |
|---|
| Аэродром сертификатини бериш тартиби Дававианазорат бошлиғининг 2007 йил 10 сентябрдаги 138-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари билан белгиланади. |

### 1.3. Хизмат кўрсатувчи органлар ва бланкаларни олиниш жойлари

| |
|---|
| Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги фуқаро авиацияси Агентлиги (Аэродромларни сертификатлаш, аэродром ҳудудида объектларни жойлаштиришга рухсат бериш бўлими «АСОЖРБ»), агентлик сайти www.uzcaa.uz |

### 1.4. Ҳуқуқий асослар

| |
|---|
| 1. Ҳаво кодексининг 30 моддаси<br>2. Дававианазорат бошлиғининг 2007 йил 10 сентябрдаги 138-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари |

### 1.5. Хизматларнинг олиниши

| |
|---|
| Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш юритувчи юридик шахс хизматдан фойдаланиши мумкин |

### 1.6. Буюртмани бериш муддати

| |
|---|
| белгиланмаган |

### 1.7. Буюртмани топшириш муддатига риоя қилинмаслик оқибатларини кўрсатиш

| |
|---|
| Тааллуқли эмас |

Сканировано с CamScanner

### 1.8. Бажарилиш муддати

Хизматларни кўрсатиш муддати Агентлик томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб бир ой ичида. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг аэропортларини (аэродромларини) халқаро авиация парвозлари учун очиш тартиби тўғрисидаги 2009 йил 29 октябрдаги 289-сон низомга мувофиқ, белгиланади.

### 1.9. Тасдиқлаш муддати

Тааллуқли эмас

## 2. Хизмат олувчиларни хабардор қилиш

### 2.1. Маълумотларнинг таркиби ва хажми

Ҳар қандай мурожаат этувчига аэродромларни сертификатлаш тартиби, шу жумладан зарур ҳужжатларни агентлик веб-сайтидан - www.uzcaa.uz дан юклаб олиш имконияти тўғрисида маълумот тақдим этилиши кафолатланади.

### 2.2. Кенг маълумот бериш

Аэродромларни сертификатлаш тартиби тўғрисидаги маълумотлар агентликнинг www.uzcaa.uz. веб-сайтида амалга оширилади

### 2.3. Сўров бўйича маълумот бериш

(78) 120-00-74 телефон орқали: 9-00 дан 18-00 гача Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш тартиби тўғрисида маълумотни оғзаки тақдим этиш;
254-14-82 ёки 255-53-37 факс орқали суткада, ёзма сўровларни қабул қилади, 9-00 дан 18-00 гача агентлик идораси, сўров бўйича ёзма ҳужжатларни қабул қилиш ва бериш;
М.мадаминов @uzcaa.uzёки caa@uzcaa.uz: электрон почтаси орқали: ёзма сўровларни кун давомида қабул қилиш;

### 2.4. Хизмат кўрсатиш жойидаги маълумот

«Узавиация» агентлигининг манзили: 100015, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73-б. мўлжал - Миробод бозори рўпарасида

### 2.5. Фойдаланиладиган бланкалар (шакллар)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш учун ариза бериш Дававианазорат бошлиғининг 2007 йил 10 сентябрдаги 138-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари билан белгиланади.

## 3. Хизмат кўрсатиш

### 3.1. Иш вақти

«Узавиация» агентлигининг иш вақти ҳар куни 9-00 дан 18-00га қадар, шанба ва якшанба, шунингдек байрам кунларидан ташқари

Сканировано с CamScanner

**3.2. Кутиш шартлари**

| |
|---|
| Тааллуқли эмас |

**4. Хизмат кўрсатиш тартиби**

**4.1. Зарур хужжатлар**

| |
|---|
| ЎзР АҚ 160нинг иловаларига мувофиқ ҳужжатлар тўплами билан сертификатлаш учун ариза<br>а) аэродромни сертификатлаш талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги гувоҳнома.<br>б) аэродром ҳудудида текшириш тўғрисида ҳисобот.<br>в) тадқиқот ташкилотларининг сунъий қопламларнинг мустаҳкамлиги, парвозлар хавфсизлигини тенг даражада таъминлаш тўғрисидаги хулосалари ва бошқалар.<br>г) мувофиқлик жадваллари; аэродром синфи, қопламларнинг мустаҳкамлиги, қияликлар, қопламларнинг ҳолати, мавжуд масофалар, тўсиқлар.<br>д) Аэродром хизмати тўғрисидаги низом.<br>е) аэродромда хизмат кўрсатадиган ходимларнинг штатлари.<br>з) аэродромга хизмат кўрсатадиган МҲХларнинг рўйхати. |

**4.2. Хизматлар тўлови.**

| |
|---|
| Хизматлар пулли |

**4.3. Давлат хизматларини кўрсатиш босқичлари**

| |
|---|
| "Узавиация" агентлигининг www.uzcaa.uz веб-сайтида "асосий - норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар - 8-блок" босқичма-босқич "Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиация аэропортларини сертификатлаш қоидалари" ЎзР АҚ-160 ни босинг.<br>Қоидалар қуйидаги босқичларни белгилайди:<br>а) аризани қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш;<br>б) ариза берувчига унинг қабул қилинганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида ёзма равишда билдирилган мурожаатни дастлабки баҳолаш;<br>в) ариза берувчига аниқланган камчиликлар тўғрисида ёзма равишда билдирилган мурожаат ва далилларни ўрганиш;<br>г) ариза берувчидан далилларга асосланган ҳужжатларни текшириш пайтида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг бартараф этилишини текшириш тўғрисида ҳужжатларни қабул қилиш;<br>э) аэродромни сертификатлаштириш талабларига мувофиқлигини текшириш ва аудит натижалари бўйича аниқланган камчиликларни кўрсатган ҳолда актни бажариш;<br>э) аэродром операторидан сертификатлаштириш текшируви жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ҳужжатларни қабул қилиш;<br>г)аэродромни қайта текшириш (агар керак бўлса);<br>х) аудит натижаларига кўра аэродром сертификатини бериш (бермаслик) тўғрисида қарор тайёрлаш. |

**4.4. Давлат хизматларини тақдим этишнинг ички идоравий тартиблари**

| |
|---|
| Аризани Агентлик девонхонасига қабул қилиш - аризани кўриб чиқиш учун Агентлик директорига топшириш - Агентликни АСОЖРБга топшириш - Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиация аэропортларини сертификатлаш қоидаларига мувофиқ аризани кўриб чиқиш - Сертификат бериш ёки гувоҳнома беришни ёзма равишда рад этиш. |

Сканировано с CamScanner

**4.5. Рад этиш асослари**

| |
|---|
| Сертификат беришни рад этиш учун қуйидаги ҳолатлар асос бўлиши мумкин:<br>а) сертификатни чақириб олиш тўғрисида аэродром операторининг ёзма аризаси;<br>б) сертификатнинг амал қилиш муддати тугаши (сертификатни уч ойдан ортиқ ўз вақтида янгилаш);<br>в) аэродромни тугатиш ёки топшириш;<br>г) тўхтатиб қўйилган аэродром сертификатини ўз вақтида қайтармаслик. |

**5. Сифатни таъминлаш**

**5.1. Сифат параметрлари**

| |
|---|
| Аэродром сертификатини бериш хизмати кўплаб хизмат олувчилар учун кенг тарқалган эмас (маълумот учун, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида 12 та аэродром сертификати эгалари мавжуд). |

**5.2. Сифатсиз хизматлардан шикоят қилиш**

| |
|---|
| Хизматни олувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Сертификат беришнинг рад этилиши, шунингдек Ўзаватсия агентлиги мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиши мумкин::<br>- шахсий мурожаат;<br>- хатлар;<br>- Электрон почта. |

Сканировано с CamScanner

Регламентга илова

давлат хизматининг курсатиш схемаси
(Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси
аэродромларини сертификатлаш бўйича)




Сканировано с CamScanner

«Ўзавиация»
Агентлиги директори

# СЎРОВНОМА
сертификатлаш учун

(Аэропорт номи) халқаро аэродроми сертификатининг амал қилиш муддатини узайтиришингизни илтимос қиламан (сертификат №, берилган вақти)

Аэродром эгаси ______________________________

Аэродром коди _____ ва аэропорт синфи ____

Аэродром МЙ бўйича қўниш ___ ва ИКАО тоифаси ___

___ ва ИКАО тоифаси ___

Аэродром Авиация коидалари талабларига жавоб беради: «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларининг учишга яроқлилик меъёрлари» (Ўз Рес. АҚ-153), «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясини метеорологик таъминлаш» (Ўз Рес. АҚ-180), «Парвозларни радиотехник таъминлаш ва аэронавигацион телекоммуникациялари» (Ўз Рес. АҚ-176).

Иловалар:

1.Ариза берувчининг аэродромни сертификатлаш мажбурияти.

2.Далилларга асосланган хужжатлар, илова №3 Ўз Рес. АҚ-160.

3.Аэродром қўлланмаси (аэропорт номи).

| | | |
|---|---|---|
| __________________ | ______________ | ________________________ |
| (рахбар) | (имзо) | (Ф.И.Ш.) |

Сканировано с CamScanner